



Халқ сўзи

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2020 йил 1 июль, № 138 (7640)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ОДИЛ СУДЛОВНИ ТАЪМИНЛАШ ВА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ МАСАЛАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 30 июнь кун и одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Ушбу устувор масалалар юзасидан ўтган 3 йилда 20 дан ортиқ қонун, Фармон ва қарорлар қабул қилинди. Ислохотлар натижасида судлар томонидан илк маротаба 2 минг 273 фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилди. Шунингдек, жиноят йўлига билиб-билмай қирган 3,5 мингдан ортиқ ёшлар ва хотин-қизларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланмасдан, улар маҳалла ва жамоатчилик қафиллигига олинди. Инсон ҳуқуқларини бузганлиги учун 60 нафар ҳуқуқ-тартибот идоралари ходими жиноий жавобгарликка тортилди.

Йиғилишда таъкидланганидек, бундай ўзгаришлар одамларимизда ҳақиқат ва адолатга бўлган ишончини мустаҳкамламоқда. Лекин халқ суд ҳуқуқ тизимидан рози дейишга ҳали асос йўқ.

Айниқса, Андижон шаҳар ва Чирокчи туман ички ишлар идораларида яқинда содир бўлган фожиали ҳолатлар тизим раҳбарларини уйғотиши, аниқ ҳулосалар қилишга қорлаши лозимлиги қайд этилди. Ҳозирда ушбу жиноятларга алоқадор 11 нафар ички ишлар ходими қонун олдига жавоб бермоқда. 7 нафар раҳбар лавозимидан озод этилди, яна 16 таси интизомий жавобгарликка тортилди.

Олий Мажлис палаталари етакчилари бошчилигида парламент аъзолари жойларда халқ билан очик мулоқот ўтказганда жамоатчилик ушбу йўналишлардаги мавжуд адолатсизликларни очик-ойдин асоси қилган.

Ушбу тажриба асосида бундан бўён депутат ва сенаторлар ўзлари сайланган ҳудудларда судьялар корпуси, сектор раҳбарлари ва жамоатчиликни қалб қилган ҳолда Одил судловга қўмақлашиш ва коррупцияга қарши курашиш бўйича мунтазам мулоқот ўтказиб борадилар.

Аҳоли томонидан кўтарилган адолатсизлик ҳолатлари ва муаммолар ҳар чоракда маҳаллий Кенгашларда танқидий муҳокама қилиниб, мутасаддилар олдиға аниқ саволлар қўйилади ва фаолиятига баҳо бериб борилади.

Олий Мажлисидаги махсус қўмиталар ҳар бир ҳудуднинг одил судлов ва коррупция масалалариға оид рейтинг юритилишиға бош-қош бўлиб, ҳар ярим йил натижалари бўйича парламент эшитувлари ва текширувларини ўтказиб боради.

Инсон ҳуқуқлари маркази, Омбудсман, Тошкент давлат юридик университетиға “Инсон қадр-қиммати — энг олий қадрият” махсус ўқув модули бўйича барча ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбар ходимларини ўқитиш вазифаси юклатилди.

Ҳозирги тергов сифати ва ходимлар малакаси талабға жавоб бермаслиги таъкидланди. Мисол учун, жорий йилнинг 5 ойида тергов органлари

ассосиз айб қўйган 323 нафар фуқаро судлар томонидан оқланган, 1 минг 854 нафар шахсға нисбатан қўйилган ассосиз айбловлар олиб ташланган. Ўтган йилнинг ўзида 236 нафар оқланган шахсға давлат ҳисобидан 6,7 миллиард сўмлик моддий ва маънавий зарар тўлаб берилган.

Маълумки, судьялик лавозимини эгаллаш учун муайян иш стажига эга бўлиш, Судьялар олий мактабини ўқиб тугатиш каби талаблар қўйиш орқали танлов кучайтирилди.

Энди терговчиликка номзодларға ҳам шунға ўхшаш талаблар қўйилиши лозимлиги қайд этилди. Жумладан, бир қатор мутасадди идораларға Тергов институтини ташкил этиш, терговчилик касбини эгаллашға мутлақо янги талаблар ишлаб чиқиш, соҳаға илгор тажриба ва стандартларни жорий этиш вазифалари қўйилди.

Яна бир муҳим масала — ҳуқуқ-тартибот идораларида ишларнинг терговға алоқадорлиги бузилиб кетган. Хусусан, шундай жиноят турлари борки, уларни ҳар қандай тергов идораси тергов қилиши мумкин бўлса, айрим моддалар эса қайси тергов органиға мансублиги қонунда кўрсатилмаган.

Шунингдек, 2018-2019 йилларда биринчи инстанция судларида жами 192 та жиноят иши бўйича 307 нафар шахс оқланган бўлса-да, ҳеч қайси ҳолатда прокурор айбловдан воз кечмаган. Шу боис тергов жараёнидаги хатолар суд мажлисида аниқланса, прокурор суднинг тугашини қўлиб ўтирмасдан, ўз ташаббуси билан айбловдан воз кечадиган тартиб жорий этилиши лозимлиги қайд этилди.

— Суд биносига келган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат борлигига ишониб чикиб кетиши керак. Бу Президент талаби! — дея таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Бироқ жорий йилда аҳолидан тушган мурожаатларнинг 8 мингдан зиёди ёки 44 фоизда судларда ишлар тўлиқ ва ҳолис қўрилмаётгани, узоқ муддат қўзилаётгани билдирилган.

Яна бир мисол, 2019 йилда иқтисодий судларда апелляция, кассация ва назорат тартибиде қўрилган ишларнинг 2,5 мингдан ортиғи, яъни 44 фоиз бекор қилинган ёки ўзгартрилган. Бу ҳар икки шикоятдан бири бўйича туман ва вилоят иқтисодий суди чиқарган қарорлар юқори судда ўзгараётгани, тadbиркор ва инвесторлар сарсон бўлаётганидан далолат беради.

Мутасаддиларға илгор тажриба ва халқроқ стандартлар асосида суд тизимини “бир суд — бир инстанция” тамойили асосида қайта қўриб чиқиш топшириқи берилди.

Суд тизимида эскилик сарқити бўлган, ўз номи билан ҳам суднинг мазмун-моҳиятиға тўғри келмайдиган

“назорат тартибиде ишларни қўриш” амалиётидан тўлиқ воз кечилади. Президент Шавкат Мирзиёев судьяларнинг адолатли қарор қабул қилишиға таъсир ўтказувчи барча омилларни, жумладан, Олий суд раиси ва Бош прокурорнинг протест кептириш ҳуқуқини бекор қилиш тақлифини илгари сурди. Парламент палаталари ушбу тақлифини қўриб чиқади.

Судлар чиқараётган қарорлар фақат суд мажлисида текширилган далилларға асосланиши лозимлиги таъкидланди. Айрим судьялар тергов материаллариға боғланиб қолгани, бу эса қонун, суд ва давлат обрўсига путур етказиши қайд этилди. Одил судлов ҳалқнинг кўз ўнгига, очик-ошқора амалға оширилиб, адолат қарор топиши лозимлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, судға бориш учун айрим туман ва шаҳарларимизда одамларға қулайлик яратиш зарурлиги ҳақида гапирди. Мисол учун, аҳолиси энг кўп туманлардан бири бўлган Ургутда (500 минг киши, 102 та маҳалла) фуқаролик суди йўқлиги сабабли 80 километр йўл босиб, Тайлоқ туманлараро судиға борилади.

Шу боис судлар ва уларнинг фаолиятини оптималлаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Хусусий мулк қонун ва суднинг қафолати ҳимоясида бўлиши зарур.

Охириги бир ярим йилда судлар томонидан ҳокимларнинг ер ажратиш, бино-иншоотларни бузиш ва хусусийлаштиришға оид 1 минг 730 та қарор бекор қилинган. Суд орқали ер муносабатлари билан боғлиқ мингта, уй-жой бузилишига доир 51 та, хусусийлаштиришға оид 62 та ҳолатда фуқаролар ва тadbиркорларнинг ҳуқуқи тикланган.

Хусусийлаштириш натижаларини қайта қўриб чиқишни бекор қилиш, умуман, давлат идораларининг бундай ташаббус билан чиқишига йўл қўймаслик ва бу қонунда мустақамланлиши зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

— Ерга бўлган ҳуқуқлар қафолати кучайтирилиб, мулкий ҳуқуқларни бекор қилиш фақат суд тартибиде ҳал этилишини қатъий белгилаш зарур, — деди Президент.

Вилоят, туман (шаҳар) ҳокимлари, барча сектор раҳбарлари ўз ҳудудларида ушбу талабларға қатъий амал қилинишини таъминлаши шартлиги қайд этилди.

— Бир нарсани билинглар — сармоя киритаётган инвестор, биринчи навбатда, ўз ҳуқуқлари суд орқали қафолати ҳимоя қилинишиға эътибор беради. Ҳамма раҳбарлар қулоғига қуйиб

олсин: суд фаолиятиға аралашишға ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, — деб таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Судьянинг фаолиятиға тўсқинлик қилгани ва адолатсиз қарор чиқаришға мажбурлагани учун жавобгарлиқни кучайтириш бўйича қонун лойиҳаси ишлаб чиқилади.

Маълумки, одил судловнинг ажралмас қисми — адвокатура, ушбу институтнинг адолат қарор топишидаги ўрни беқиёс. Ўзбекистонда бугун 4 минг атрофида адвокатлар фаолият кўрсатиб, ўртача 8,5 минг аҳолиға битта шундай мутахассис тўғри келмоқда.

Адвокатларнинг 43 фоизи Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатса, вилоятларнинг 20 та туманида бирорта ҳам адвокатлик фирмаси рўйхатдан ўтмаган.

Адвокатлик фаолиятини бошлаши учун ёш мутахассислардан 2 йил юридик стаж талаб этилиши бекор қилиш, талабалиқдан адвокат ёрдамчиси сифатида амалиёт ўташ тартибини жорий этиш зарурлиги таъкидланди. Юридик олий ўқув юрталарида “адвокатлик фаолияти” мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрланади.

Давлат томонидан тақдим этилган адвокат танлашнинг очик-ошқора тартиби йўқлиги боис айрим терговчилар ўзига таниш адвокатларни қақириб, айбланувчига таъсир ўтказиш ҳоллари учраб туради. Масалан, Тошкент шаҳрида давлат томонидан адвокатларға ўтган йили 7 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилган бўлса, ушбу маблағнинг тенг ярми 20 та адвокатлик фирмасига берилган (жами 746 та шундай фирма мавжуд).

Шу сабабли тегшли вазирликларға давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатларни электрон танлаш тизимини ишга тушириш топшириқи берилди. Бу дастлаб пойтахтимизда эксперимент тариқасида жорий этилади.

Шунингдек, ўта оғир жиноятда айбланаётган шахсларнинг иши бўйича, ундан ташқари, қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўриш масаласи қўриб қўзилаётган ҳолатларда ҳам адвокат иштирокини мажбурий этиб белгиллаб қўйиш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Адвокатлик фаолияти жозибадорлигини ошириш, бу касб эгаларининг ҳимояси ҳамда қафолатини кучайтириш бўйича қонун ҳужжатлари пакети ишлаб чиқилди ва муҳокама олиб чиқилди.

Суд фаолиятида рақамли технологияларни кенг жорий этиш бугунги давлат талабидир. Жорий йил ақуниға қадар Олий судда ягона “Адолат” ахборот тизимлари комплексини ишга тушириш вазифаси юклатилди.

Бунда барча учун судларға электрон мурожаат қилиш, мурожаатлар

ҳолатини онлайн тарада кузатиш, тарафларға маълумотларни электрон шаклда юбориш имконияти яратилади.

Судлар жорий йилда видеоконференцалоқ тизими билан 100 фоиз қамраб олиниши лозимлиги таъкидланди.

Видеоселектор йиғилишида навбатдаги муҳим масала — коррупцияға қарши кураш борасидаги ислохотлар муҳокама қилинди.

Жумладан, 143 та давлат хизмати электрон шаклга ўтказилиб, 35 та идорада талаб қилинадиган ҳужжатлар сони ва хизмат кўрсатиш вақти 2 хисса қискарди. Бюджет харажатлари, давлат харидлари, ер, бино ва иншоотларни олди-сотди қилиш жараёнлариға ошқоралик ва очиклик тамойиллари жорий этилди.

Маълумки, 29 июнь кун и Ўзбекистон Республикаси Президенти Коррупцияға қарши курашиш агентлигини ташкил этиш ҳақидаги Фармонни қабул қилди.

Агентлик тармоқ ва ҳудуд раҳбарлари билан бирға қуйидаги вазифаларни амалға оширади.

Биринчидан, барча вилоят, туман (шаҳар) ҳокимлари ўз ҳудудларида, тармоқ раҳбарлари ўз тизимларида агентлик билан бирға бир ой муддатда Коррупциядан холи дастурини ишлаб чиқади. Бунда очиклик ва ошқоралиқни таъминлаш ҳамда соҳаларни рақамлаштириш энг асосий вазифа бўлади.

Иккинчидан, коррупциянинг олдини олишда таъсирчан парламент ва жамоатчилик назорати йўлга қўйилади. Жумладан, агентлик коррупцияға қарши курашиш ишларининг ҳолатини таҳлил қилиб, ҳар йили Президент ва Олий Мажлис палаталариға миллий ҳисобот киритиб боради.

Шунингдек, агентлик кенг жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамятининг бошқа институтлари билан бирға аҳоли ва тadbиркорларнинг коррупцияға муносабатини мунтазам ўрганиши ва давлат идоралари фаолиятини баҳолаб бориши лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Учинчидан, коррупцияға қарши курашишда кадрлар тайёрлаш масаласига жиддий эътибор берилади. Бунинг учун Давлат бошқаруви академияси ва Тошкент давлат юридик университетида коррупция муаммоларини ўрганиш бўйича алоҳида ўқув модули, махсус кафедра ва магистратура мутахассислиги очилади. Шунингдек, раҳбар ходимлар, айниқса, ҳокимларнинг бу борадаги билим ва қўнимасини шакллантириш бўйича малака ошириш курслари ташкил этилади.

Мутасаддилар йиғилишда муҳокама қилинган масалалар ижросини ташкил этиш юзасидан ахборот берди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

2007 йил 27 июндаги
Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо
давлатлар ўртасида ҳамкорликдаги
ҳарбий ўқувларни ўтказиш тўғрисидаги
Битимға қўшимчалар
киритиш ҳақидаги Баённомани
(Бишкек, 2019 йил 29 апрель)
ратификация қилиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 5 майда қабул қилинган
Сенат томонидан 2020 йил 19 июнда маъқулланган

2007 йил 27 июндаги Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида ҳамкорликдаги ҳарбий ўқувларни ўтказиш тўғрисидаги Битимға қўшимчалар киритиш ҳақидаги Баённома (Бишкек, 2019 йил 29 апрель) ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти
Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2020 йил 30 июнь
№ ЎРҚ—624

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон
Республикасининг
Жиноят-ижроия кодексига
махқумларнинг ҳуқуқлари ва
қонуний манфаатлари
ишончли ҳимоя қилинишини
таъминлашға қаратилган
ўзгартиш ва қўшимчалар
киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 23 апрелда қабул қилинган
Сенат томонидан 2020 йил 19 июнда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган 409-1-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 6, 175-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 248-модда; 9, 422-модда, № 12, 595-модда; 2008 йил, № 4, 187-модда, № 12, 636, 641-модда; 2009 йил, № 4, 136-модда, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 9, 334-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 10, 605-модда; 2019 йил, № 3, 165-модда, № 5, 267-модда, № 8, 469-модда, № 9, 588, 592-моддалар, № 12, 880-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **11-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин: «Маҳқум шахсий хавфсизлик ҳуқуқига эга. Интизомий қисмға жўнатишға ёки озодликдан маҳрум этишға ҳукм қилинган шахсининг шахсий хавфсизлигига таҳдид юзаға келган тақдирда, у ўз шахсий хавфсизлигини таъминлаш тўғрисидаги ариза (хабар) билан жазони ижро этиш муассасасининг ёки органининг ҳар қандай ходимиға озғани ёки ёзма равишда мурожаат қилишға ҳақли. Маҳқумнинг аризасини (хабарини) қабул қилган ходим зудлик билан уни жазони ижро этиш муассасасининг ёки органининг бошлиғига тақдим этади.

Маҳқумнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш тўғрисидаги аризаси (хабар) маҳқумларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш тўғрисидаги аризаларини (хабарларини) қайд этиш китобида жазони ижро этиш муассасасининг ёки органининг масъул шахси томонидан рўйхатдан ўтказилади.

Жазони ижро этиш муассасаси ёки органи бошлиғи шахсий хавфсизлиқни таъминлаш тўғрисидаги аризани (хабарни) олгандан сўнг маҳқумни хавфсиз жойға вақтинчалик жойлаштириши шарт.

(Давоми 2-бетда).



АҚШ ДЕЛЕГАЦИЯСИНING МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

30 июнь кун и Америка Қўшма Штатларининг Афғонистон бўйича махсус вакили Залмай Халилзод ва АҚШ Халқаро тараққиётни молиялаштириш корпорацияси (DFC) бош ижрочи директори Адам Болер бошчилигидаги делегациянинг мамлакатимизға ташрифи бошланди.

Мехмонлар дастлаб Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов билан учрашди.

Мулоқот аввалида томонлар Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида ўзаро яқин сиёсий муносабатлар ўрнатилгани, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва ҳарбий-техникавий алоқалар мустаҳкамланаётганини

мамнуният билан қайд этди. Ўзбекистон томони Афғонистонда тезроқ тинчлик ўрнатилиши масаласига устувор аҳамият қаратаётгани таъкидланди. Зеро, бутун Марказий Осиёнинг барқарор ривожланиши ушбу мамлакатда ҳам хавфсизлик ҳукмрон бўлишиға бевосита боғлиқ.

3

2 июль — Ўзбекистон Республикаси
Давлат герби қабул қилинган кун

Халқимизнинг шаъну шавкати, орзу-умидлари тимсоли



Давлат рамзлари эл-юртнинг ҳурлиги, миллий гуруру ва менталитети, шонли тарихи, маънавий-маданий бойлиги, урф-одат ҳамда аъаналари, буюк мақсад ва эзгу орзу-интилишларини ўзида акс эттиради.

2

Олий Мажлис Сенати

Ёшлар — эртанги кун бунёдкори

“Ёшларни жорий ислохотлар ва қарор қабул қилиш жараёнлариға жалб этиш” мавзуйиға бағишланган онлайн давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, БМТнинг иктисослаштирилган институтлари ҳамда тегшли вазирлик ва идоралар мутасаддилари, ёшлар қатнашди.

Давра суҳбатиде Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева юртимизда ёшларға нафақат эртанги куннинг бунёдкори, балки бугуннинг

ҳал қилувчи кучи сифатида юксак эътибор қаратилаётгани борасида сўз юритди.

3

Қозоғистон — Ўзбекистон:

ДЎСТЛИК ВА ҚАРДОшлиК РИШТАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНАВЕРСИН

Қозоғистон ва Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасидаги табиий бойликлари кўп, иқтисодий қувват захираси катта, тарихи ва маданияти муштарак мамлакатлардир. Бу тарихий вазиятда давлатларимиз янада ахил, дўстлик, қардошлиқ ришталари ҳар қачонгидан-да мустаҳкам бўлиши даркор.

Таҳлил

Дарҳақиқат, сўнгги уч-тўрт йилда Ўзбекистон дунёға очилди, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислохотлар марказига айланди. Узоқ ва яқиндаги мамлакатлар билан миллиардлаб долларға тенг

сармоявий шартнома ҳамда келишувлар имзолади. Ўзбекистон ҳукумати фуқароларнинг ижтимоий муаммоларига ҳам тез-корлик билан ечим топапти. Солиқ соҳасида, айниқса, қишлоқ аҳолиси учун катта ен-

гилликлар берилмоқда. Илм-фан ва таълим фол қўлаб-қувватланмоқда. Давлат тили муносиб ўрниға эга. Мамлакатимиз давлат қарзлари йўқ. Биз қозғистонликлар бу ва бошқа ижобий ўзгаришларни мамнуният билан кузатиб бораётимиз. Айниқса, Ўзбекистон дунёда кечётган жараёнларға, БМТ Бош

4

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

Худудларда олиб борилаётган ислохотлар таҳлили. Натижалар қандай?

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларидан иборат ишчи гуруҳлари худудларда бўлиб, давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизда коронавирус пандемияси даврида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш, иқтисодиёт тармоқлари фаолияти барқарорлигини таъминлаш борасида қабул қилинган қатор Фармон ва қарорларининг жойлардаги ижроси ҳолатини ўрганишди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгашининг видеоконференция тарзида ташкил этилган йиғилишларида мазкур ўрганиш натижалари атрофлиқ муҳокама қилиниб, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлариға алоҳида эътибор қаратилади.



3

Худудларда олиб борилаётган ислохотлар таҳлили. Натижалар қандай?



Камбағал оилаларга хайрия ёрдамлари зарур

Шу йилнинг 15 — 25 июнь кунлари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари А. Хаитов бошчилигидаги ишчи гуруҳининг Хоразм вилоятидаги ўрганиш натижалари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгаши йиғилишида атрофлича қўриб чиқилди. Унда вилоят ҳокими, секторлар раҳбарлари ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатлари масофадан онлайн тарзда қатнашди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов कोरोनाвирус пандемияси шароитида унинг оқибатларини бартараф этиш, мамлакатда ишчанлик муҳити барқарорлигини таъминлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг қўламли чоралар жойларда ўз натижаларини бераётганини таъкидлаб ўтди.

Ишчи гуруҳи аъзолари жами 390 та объектда бўлиб, аҳоли ва тадбиркорларга берилаётган имтиёз ҳамда енгилликлардан қандай фойдаланилаётгани, карантин талабларига риоя этиш ҳолати билан бевосита танишдилар, мулоқотлар ўтказилди.

Қайд қилинганидек, вилоят тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектлари ва аҳолини қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йил 15 мартдан 1 июнга қадар бўлган даврда 2561 та тадбиркорлик субъектининг турли лойиҳаларини молиялаштиришга 725,3 млрд. сўм ҳамда 7 314 нафар жисмоний шахснинг истеъмол эҳтиёжлари учун 56,0 млрд. сўмлик микроқарз ва онлайн тарзда бошқа кредитлар ажратилган.

Камбағалликни қисқартириш юзасидан ҳам амалий ҳаракатларга қўл ўрилган. Бинобарин, вилоятда 519 та маҳаллада 508 минг оила истиқомат қилади. Шундан камбағал оилалар сони 11920 тани ташкил этади. Уларга жорий йилнинг 15 июнь санасига қадар 16 млрд. 946 млн. 100 минг сўмлик хайрия ёрдамлари кўрсатилган.

Коронавирус инфекциясини юқтирган беморлар билан фаолият олиб бораётган 223 нафар ходимга ҳар 14 кунлик даври учун махсус қўшимча тўлов, инфекция тарқалишига қарши курашиш тадбирларига жалб қилинган 1556 нафар тиббиёт ва бошқа ходимларнинг ойлик лавозим маошига 6 фоиз миқдориди ҳар кунлик қўшимча тўловларининг тўлианиши

АҚШ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШРИФИ БОШЛАНДИ



Иштирокчилар Афғонистон сиёсий етакчилари ўртасида битим тузишга эришилишини тўлиқ қўллаб-қувватлашини билдириди. Инклюзив ҳукумат ва Миллий ярашув Олий Кенгаши тузилиши барча сиёсий қучлар Афғонистоннинг ёнғур келажаги йўлида бирлашишга хизмат қилиши эътироф этилди.

Учрашув давомида икки мамлакатнинг афғон йўналишидаги ҳамкорлигини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, жорий йил 27 май куни бўлиб ўтган “Ўзбекистон — АҚШ — Афғонистон” уч томонлама форматдаги илк учрашув Афғонистон Ислои Республикасини қайта тиклаш ва мамлакатни минтақавий иқтисодий жараёнларга фаол қўшилишини таъминлаш бўйича амалий тақлифлар ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга бўлган механизм экани қайд этилди.

АҚШ вакиллари Ўзбекистон раҳбариятининг Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этишда минтақаий ёндашувни илгари суриш борасидаги саъй-ҳаракатларини юқори баҳолади ва ушбу йўналишда фаол ҳамкорликни давом эттиришга тайёрглигини яна бир бор таъкидлади.

Музокаралар чоғида Афғонистон ва минтақамиз ўртасидаги иқтисодий, транспорт-коммуникация алоқаларини кенгайтиришга қўлмак берадиган қатор лойиҳаларни амалга ошириш учун АҚШ Халқаро тараққиётни молиялаштириш корпорацияси маблағларини жалб қилиш юзасидан фикр алмашди.

Тузилма раҳбари Адам Болер ДФК Ўзбекистонда энергетика, инфратузилма, тиббиёт ва таълим йўналишларидаги лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этишга тайёрглигини маълум қилди.

АҚШ делегациясининг мамлакатимизга ташрифи давом этмоқда.

Файрат ХОННАЗАРОВ,
ЎЗА мухбири.

Ҳалоллик йўқ жойда коррупция илдиэ отаверади

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, агар жамиятда коррупция ривожланиб, бунга қарши ўз вақтида кескин чоралар қўрилмаса, мазкур давлат қанчалик қудратли бўлмасын, нафақат иқтисодий, балки сиёсий инқироз билан якун топади.

Нуктаи назар

Президентимиз парламентга Мурожаатномасида коррупция ҳақида тўхталиб, жамиятимизда коррупция иллати ўзининг турли қўринишлари билан тараққиётимизга ғов бўлаётгани, бу ёвўз балонининг олдини олмасак, ҳақиқий ишбилармонлик ҳамда инвестиция муҳитини яратиб бўлмаслигини, улуман, жамиятнинг бирорта тарқмаи ривожланмаслигини таъкидлаган эди.

Ўртимизда коррупциянинг олдини олишнинг асосий йўналишлари бўйича амалга оширилаётган ишларни таҳлил қилсак, ушбу иллатга қарши курашишнинг яроқли тизими, қолаверса, бу борада барча ҳуқуқий асослар яратилганини кўрамиз.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 29 июнь куни қабул қилган “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар

учун жами 12,5 млрд. сўм маблаг ажратилган.

Ўрганишлар давомида вилоятда амалга оширилаётган ижобий ишлар билан бир қаторда, айрим камчиликлар ҳамда фойдаланилмаган имкониятлар ҳам кузатилди. Масалан, республика бўйича кичик саноат зоналари барпо қилиш учун 400 млрд. сўм ажратилиши белгиланган бўлиб, Янгибозор туманида ташкил этилиши режалаштирилган янги кичик саноат зонасида ушбу маблагдан тегишлича фойдаланиш чоралари қўрилмаган.

Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича айрим секторларда чора-тадбирлар пухта ўрганилмаганлиги маълум бўлди. Хусусан, баъзи оилаларда даромад манбалари етарли бўлмаса-да, тегишли ёрдамлар кўрсатилмаган.

Кенгаш йиғилишида Хоразм вилояти секторлари раҳбарларининг ахборотлари эшитилди. Хусусан, вилоят прокурорининг таъкидлашича, ҳудудда секторларга бўлинган ҳолда иш олиб борилиши бугун ўзининг ижобий самараларини бермоқда. Бу, айникса, жойларда Президент Фармон ва қарорлари ижросини таъминлаш, худудларни комплекс ривожлантиришда кўзга яққол ташланмоқда.

Йиғилишда ишчи гуруҳи томонидан ўтказилган ўрганишлар давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан депутатлар қароридан қатор тақлиф ва тавсиялар билдирилди.

Карантин талабларини бажаришда қўшмақшикка йўл қўйилган

Депутатлардан таркиб топган ишчи гуруҳининг Бўхоро вилоятидаги ўрганишлари натижалари Қонунчилик палатаси Кенгашининг навбатдаги йиғилишидада атрофлича муҳокама қилинди.

Бўхоро вилояти ҳокими, секторлар ва иқроо органлари раҳбарлари ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатлари онлайн тарзда иштирок этган йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов хозирги шароитда мамлакат ҳудудларида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида секторлар фаолиятининг аҳамиятига тўхталиб, ҳар бир раҳбар ҳар қанчондан қўра киши қарра масъулиятни ўз зиммасига олган ҳолда фаолият юритиши, бу жараёнда маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳам фаоллик кўрсатиши лозимлигига эътибор қаратди.

Ўрганиш давомида вилоятда аҳоли ва

тадбиркорлик субъектларини қийнаб келаётган бир қанча масалалар ишчи гуруҳи томонидан тегишли мутасадди ташкилотлар билан биргаликда ҳал этилган ҳамда тақлиф ва тавсиялар берилган.

Таъкидлаб ўтилганидек, Бўхоро сайёҳлик борасида юқори салоҳиятга эга. Ўз-ўзидан аён бўладики, бугунги шароитда мазкур соҳада фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш зарур. Шу маънода, 2020 йил 1 апрелдан 31 декабрга қадар туроператорлар, тур-агентлар, меҳмонхоналар ер ва мол-мулк солиғидан озод қилиниши, ижтимоий тўлов ставкасининг амалдаги 12 фоиздан 1 фоизга туширилиши ҳисобига Бўхоро шаҳридаги 327 та меҳмонхона ва 77 та туроператор ихтиёрида жами 3,3 млрд. сўм маблаг қолдирилмоқда.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни қўллаб-қувватлаш мақсадида вилоят бўйича 11,8 минг оиллага (36,8 минг нафар фуқаро) саховат кўрсатиш белгиланиб, айни пайтда озик-овқат махсуслотлари узулксиз етказиб берилмоқда. 12 442 нафар (42,7 фоиз) кам таъминланган фуқаронинг бандлиги таъминланган.

Карантин даврида ишсиз ва вақтинча ишини йўқотган 858 нафар фуқарога март — май ойларида 437,3 млн. сўм ишсизлик нафақаси тайинланган.

Амалга оширилаётган ижобий ишлар билан биргаликда, ўз ечимини кутаётган айрим масалалар ҳам мавжудлиги қайд этилди. Жумладан, 2020 йил 1 апрель ва 1 июндан бошлаб 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа, бола 2 ёшга тўлгунга қадар бола парварishi бўйича нафақа ҳамда моддий ёрдам олувчилар сонини 10 фоиздан ошириш белгиланган бўлса-да, Бўхоро вилоятида бундай нафақа олувчи оилалар сони 7,5 фоизга ошган.

Бундан ташқари, барчага намуна кўрсатиш зарур бўлган тиббиёт муассасалари, жумладан, Ромитан, Қорақўл тиббиёт бirlашмаларида карантин талабларини бажаришда сўстхаликка йўл қўйилган.

Карантин тадбирларига жалб этилган ходимларга қўшимча тўловлар тўлашда ҳам айрим муаммолар мавжудлигига эътибор қаратилди.

Йиғилишда вилоятдаги секторлар раҳбарлари ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари муҳокама қилинган масалалар юзасидан қўшимча маълумотлар бериб ўтишди.

Қонунчилик палатаси Кенгаши йиғилишида пандемия шароитида ишларни янада самарали ташкил этиш, секторлар, бошқа мутасадди ташкилотлар масъулиятини қўнатириш, муаммоларни зудлик билан бартараф қилиш бўйича тавсиялар берилди.

Жамиятни турли йўллар билан исканжага оладиган даҳшатли иллат

Бугун жаҳон сиёсатчилари, олимлар ва умуман, башариятнинг эртанги тақдирига беварқ бўлмаган ҳар бир инсон томонидан терроризм, диний экстремизм, гиёҳвандлик, геосиёсий тўқнашувлар, экологик муаммолар, моддий ҳамда маънавий инқирозлар қаторида коррупция ҳам энг хатарли воқелик сифатида тилга олинмоқда.

Коррупция — жамиятни турли йўллар билан исканжага оладиган даҳшатли иллат. Мазкур бало демократия ва қонун устуворлиги асосларига пугур етказади. Инсон ҳуқуқларининг бузилишига олиб келади. Ислохотларга тўқсинлик қилиб, жамият тараққиётини ортга суради. Оқибатда ҳаёт сифати ёмонлашиб, одамлар ҳаёфсизлигига таҳдид соладиган уюшган жиноятчилик, терроризм ва бошқа ҳодисаларнинг илдиэ отиши учун шароит юзага келади.

Коррупция билан курашиш борасида бир қатор давлатлар ижобий натижаларга эришган. Бу борада Финляндия, Дания, Янги Зеландия,

Исландия, Сингапур, Швеция, Канада, Нидерландия, Люксембург, Норвегия, Австралия, Швейцария давлатлари тажрибасини мисол қилиш мумкин.

Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш масаласига кейинги йилларда устувор йўналиш сифатида қаралмоқда, бу борада бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, салмоқли ишлар олиб бориляпти. Бироқ шиддат билан ривожланаётган замонамизда руй бераётган ян-

Депутат фикри

гидан-янги ўзгаришлар, жамиятда яшовчи ҳар бир фуқаро билан давлат органлари ўртасида руй берадиган муносабатлар шакли ва сони ошиб бормоқда. Бу эса ушбу иллатга қарши курашиш борасида янгича механизмларга асосланган тизмини жорий қилишни такозо этапти.

Давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўрисида”- ги Фармон коррупциянинг олдини олиш ва унга самарали қарши курашиш борасида муҳим ҳуқуқий қадам бўлди.

Мазкур ҳужжат билан ташкил

Ишчи гуруҳи аъзоларига қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш, ўрганиш давомида вилоятда аниқланган, республика даражасида ҳал этиладиган муаммолни масалалар юзасидан тегишли вазирлик ва идораларга парламент ҳамда депутатлик сўровларини юбориш ва “Ҳукумат соат”ларини ўтказишга оид тақлифлар тайёрлаш тавсия қилинди.

Кредит ажратиш масаласи танқид остига олинди

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари А. Қодиоров бошчилигидаги депутатлардан иборат ишчи гуруҳ Навоий вилоятида бўлиб, секторлар томонидан амалга оширилган ишлар ҳолатини ўрганди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгаши йиғилишида ўрганиш натижагари Навоий вилояти ҳокими ва секторлар раҳбарлари иштирокида атрофлича муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Навоий вилояти бўйича солиқларни тўлаш муддатини ўзгартириш юзасидан 88 та тадбиркорлик субъектига 1 392,7 млн. сўмлик маблағни кечиктириб тўлаш ҳуқуқи берилган. 7 мингта якка тартибдаги тадбиркорга ҳар ойда 562,3 млн. сўм, 2020 йил апрель — сентябрь ойлари давомида жами 3 373,6 млн. сўмлик имтиёз берилган. Аммо пандемия таъсирида фаолиятини вақтинча тўхтатган 8 014 та қорхонадан атиги 88 тасига, яъни 1,1 фоизига имтиёз берилган ҳолос.

Шу билан бирга, ўрганиш давомида тадбиркорлар банклардан кредит ололмаётган ҳолатлар ҳам аниқланган. Хусусан, Учқудуқ, Томди туманлари, Зарафшон шаҳрида ажратилган кредитлар тадбиркорлик субъектларининг ҳатто ярим фоизини ҳам қамраб олмагани депутатлар томонидан танқид қилинди.

Худудларда камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш ҳолати ўрганилганда, Молия вазирлиги томонидан 2020 йил март ойи учун Инқирозга қарши курашиш жағма-масидан март — июнь ойларига жами 2 701,2 млн. сўм маблаг ажратилган бўлиб, 1 086,8 млн. сўм миқдоридаги маблағлар молиялаштирилгани аниқланди.

Вилоятда пандемия даврида 16 398 та эҳтиёжманд ва кам таъмин-

Коррупциянинг ҳақиқатлари

қилинган Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги юртимизда коррупциянинг олдини олиш ҳамда унга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантирувчи ва амалга оширувчи, коррупциянинг олдини олиш ҳамда унга қарши курашиш фаолиятини мувофиқлаштирувчи, шунингдек, мазкур соҳада халқаро ҳамкорликни амалга оширувчи махсус ваколатли давлат органи сифатида белгилиб берилиши юқорида қайд қилинган муаммолар-

Коррупциянинг ҳақиқатлари

нинг бартараф этилишига ва коррупцияга қарши курашиш тизимлаштирилишига хизмат қилади.

Агентлик юртимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда мамлакатнинг имижини мустаҳкамлаш ва унинг халқаро рейтинглардаги ўрнини ошириш бўйича тизимли чораларни амалга оширади.

Шу билан бирга, агентлик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг коррупцияга қарши курашишга масъул қўмиталари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесининг тегишли қўмитаси, ҳалқ депутатлари

ланган оиланиннг манзилли рўйхати шакллантирилган ҳамда сектор раҳбарларининг “темир дафтар”ларидан ташқари savovat.argsos.uz онлайн дастурига киритилган. Ўрганишлар чоғида 21 046 та эҳтиёжманд ва кам таъминланган оиллага 13 турдаги асосий ёрдамлар бўйича 16,7 млрд. сўм қийматидаги ёрдам кўрсатилгани маълум бўлди. Шунингдек, пандемия даврида ишсиз қолган ҳамда даромад манбаи аниқ бўлмаган 1 373 нафар фуқаро доимий ишга, 3 548 нафар фуқаро эса мавсумий ва жамоатчилик асосидаги ишларга жалб қилинган ҳамда 240 нафар фуқарога қишлоқ ҳўжалиги экинларини экиб, даромад топишлари учун ижара асосида ер майдонлари берилган.

Маҳаллий Кенгаш депутатлари билан жойларга чиқиб, асл ҳолат ўрганилганда, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли тўлиқ қамраб олинмагани маълум бўлди. Масала сектор раҳбарлари билан жойида ҳал этилди.

Шунингдек, жорий йилнинг ўтган даврида 1 325 нафар (аёллар — 580 нафар, ёшлар — 430 нафар) ишсиз фуқароа енгил типдаги иссиқхона қуриш, шахсий ва дала томоқраси учун уруғ, қўчат, сўғорми воситаларини харид қилиш учун 1 396,3 млн. сўм миқдорига субсидия берилган. Кенгаш аъзоларининг таъкидлашича, худудларда етарли тарғибот ишлари олиб борилмагани сабабли, ажратилган субсидия миқдори вилоятдаги мавжуд эҳтиёжга нисбатан паст. Бу эса, ўз навбатида, худудларда, секторларнинг янада фаол ишлаши кераклигини кўрсатади.

Депутатларнинг таъкидлашича, жойлардаги учрашувлар давомида тадбиркорлик субъектларининг ечимини кутаётган масалалари борлиги аниқланди. Жумладан, “MR FISH COMPANY” МҶНЖнинг балик садокларини ўрнатиш учун “Тўдақўл” сув ҳавзаси (умумий ҳудуди 25 минг гектар)дан 1 минг гектар ҳудуд ажратиш бўйича қилган мурожаатига “Ўзбекбалликсаноат” уюшмаси томонидан инвесторга учинчи томон бўлган маҳаллий тадбиркордан ер ижарага олиш тақлиф қилинган.

Кенгаш йиғилишида Навоий вилояти ҳокимилиги мутасаддилари Қонунчилик палатаси билан ҳамкорликдаги назорат-таҳлил ишлари самарали бўлганини таъкидлаб, қўтарилган масалалар манзилли қўриб чиқилиши ва ҳал этилишини маълум қилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгаши йиғилишларида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Ёшлар — эртанги кун бунёдкори



— Сенат фаолиятида долзарб масалалар муҳокамаларига ёшларни жалб қилиш амалиёти жорий этилди, — деди Сенат Раиси. — Жумладан, Сенат қўмиталари йиғилишлари, ялпи мажлисларида ёшлар иштироки таъминланиб, уларнинг тақлиф ҳамда тавсиялари эшитилаяпти. Қўмиталар ҳузурида тузилган экспертлар кенгашларига ёш мутахассислар жалб қилинмоқда. Қолаверса, охирги йилларда ёшларни олий маълумотли, интеллектуал салоҳиятли кадрлар сифатида қамолга етказишга жиддий қиришилди. Бундан қўзланган мақсад ёшларнинг олий таълимга қамровини 60 фоизга етказишдан иборат, албатта.

Йиғилишда жорий йилги Давлат дастурига мувофиқ, мамлакатимизда биринчи марта Олий Мажлис Сенати ҳузурида Ёшлар парламенти ташкил этилгани таъкидланди.

Мазкур тузилма ёшларнинг ҳуқуқий онги ва саводхонлигини юксатириш, қонунчилик жараёнидан уларни хабардор қилиш, тегишли масала мауаммолар юзасидан тақлифларни давлат органларига, қонунчилик ташаббуси субъектларига қўриб қилиш учун киритиш борасида фаолият олиб боради.

Қолаверса, Президент томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббусни амалга оширишда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаб, инновацион ғояларини рўёбга чиқаради, уларда нотиклик маҳорати қўниқмаларини шакллантиришга хизмат қилади.

Тадбирда ёшларнинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш, уларни қийнаётган муаммоларга ечим топиш, пухта билим олишлари ҳамда касб-ҳунар эгаллашларига зарур шарт-шароитлар ярати бериш масаласи кечиктириб бўлмайдиган муҳим вазифалардан эканлиги қайд этилди.

Хотин-қизларнинг инновацион ғоя ва ташаббуслари

Олий Мажлис Сенати, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Бош прокуратура, БМТ Тараққиёт дастури ҳамда бошқа тақлилотлар ҳамкорлигида “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда ёш хотин-қизларнинг инновацион ғоя ва ташаббуслари” мавзуида халқаро илмий-амалий онлайн конференция ўтказилди.

Унда сенаторлар, депутатлар, Ўзбекистон ҳамда хорижда истиқомат қилаётган тадқиқотчи-экспертлар, турли соҳада муваффақият қозонган аёллар, ёш тадқиқотчилар, журналист ва блогерлар ҳамда “Қизлар овози” клуби фаоллари қатнашди.

Юртимизда хотин-қизларга эътибор сўнгги йилларда сезиларли даражада ўсди, шароит ҳамда имкониятлар қўлами кенгайди. Буни биргина миллий парламентда аёллар сони ортгани мисолида ҳам қўриш мумкин. Хозирги пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган 150 нафар депутатнинг 32 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Сенатда эса бу кўрсаткич қарийб 25 фоизга етди. Маҳаллий Кенгашлар депутатларининг эса 31 фоизи аёллардир.

“Қизлар овози” платформаси доирасида уюштирилган мазкур конференция давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳасида илмий изланишлар олиб бораётган ёш хотин-қизларни қашф этиш, олимлар, тадқиқотчиларни кенг жалб қилиш, илмий асосланган тақлифлар асосида мамлакатда гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатини ҳимоя қилиш борасида тавсиялар ишлаб чиқишга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди. Анжуманга келиб тушган материаллар таҳрир ҳайъати томонидан ўрганилиб, натижада 279 та мақоладан ўнтаси ғолибликка тавсия қилинди.

Тадбирда узоқ йиллар давомида тўпланган хотин-қизлар ҳаётидаги баж тажрибалар, эришилган ютуқлар билан бир қаторда, бугунги кунда аёллар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасидаги мавжуд муаммолар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

«Халқ сўзи».

ЭЪЛОН

Давлат, ҳусусий ҳамда бошқа мулкчилик шаклидаги қорхоналар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси қуйидаги совун ва кир ювиш қукуни сотиб олиш бўйича танлов савдоларини эълон қилади:

(танлов нақ

